
Расмий муносабат

Ижтимоий тармоқларда Ўзбекистон туманидаги 13-мактаб филиалининг таъмрталаблиги билан боғлиқ видеолавҳа тарқалди.

Мазкур хабар юзасидан туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими қуидагиларни маълум қилади.

Мактабнинг Даштхасан маҳалласида жойлашган мазкур филиали 1961 йилда ҳашар йўли билан хом ғиштдан қурилган ва 4 та хонадан иборат. Муассасада 100 нафарга яқин ўқувчилар 1-4-синфларда таҳсил олади.

2020 йилда туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими ташабbusи билан мазкур филиал биносидаги мавжуд буржуйка печкалар ўрнига янги иссиқлик тармоғи ўрнатилган.

Келгусида аҳоли ва ўқувчилар сони ортишини инобатга олиб, уларга муносиб шароит яратишни ташкиллаш мақсадида, мазкур филиал биноси ўрнида янги, намунавий лойиҳадаги замонавий ўқув биносини барпо этиш юзасидан туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими томонидан зарурий таклифлар тегишли тартибда вилоят ҳокимлиги ҳамда вилоят мактабгача ва мактаб таълими бошқармасига тақдим этилган. Хом ғиштдан қурилган ва маънан эскирган бино ўрнида 220 ўринли янги ўқув биносини барпо этиш юзасидан ишлаб чиқилган таклифни давлат дастурларига киритиш чоралари кўрилмоқда.

2024-04-03 11:46:22